
10 кВЛИ “МАШАД” ЭЛЕКТР УЗАТИШ ТАРМОҒИ ТАЪМИРЛАНДИ

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, узатмаларда юзага келиши мумкин бўлган носозликларни олдини олиш мақсадида жойларда мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Марғилон шаҳрининг “Чароғон”, “Маориф”, “Тошлоқтепа” ҳамда “Бахрин” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларини электр энергияси билан таъминловчи 10 кВли “Машад” электр узатиш тармоқлари шаҳар Электр таъминоти корхонаси томонидан мукамал таъмирланди.

Мутахассислар томонидан мазкур таъмирлаш жараёнида носоз изоляторларни янгисига алмаштириш, салқи симларни тортиш ҳамда яроқсиз симларни янгисига алмаштириш ишлари бажарилди.

2023-09-07 11:58:45